

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МУСТАФАКУЛОВ МУҲАММАД АБДУВАЛИЕВИЧ**

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ ПАТОГЕНЕЗИДА ОКСИДЛАНИШ  
СТРЕССИ ВА УНИ ЎСИМЛИКЛАРДАН ОЛИНГАН  
АНТИОКСИДАНТ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА РАСОЛАШ**

**03.00.01 – Биокимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the doctor of Philosophy (PhD)**

**Мустафакулов Муҳаммад Абдувалиевич**

Қандли диабетнинг патогенезида оксидланиш стресси ва уни ўсимликлардан олинган антиоксидант воситалари ёрдамида расолаш.....3

**Мустафакулов Муҳаммад Абдувалиевич**

Роль окислительного стресса в патогенезе сахарного диабета и способы его коррекции с помощью антиоксидантов из растительного сырья.....21

**Mustafakulov Mukhammad Abduvaliyevich**

The role of oxidative stress in the pathogenesis of diabetes mellitus and methods of its correction using antioxidants from plant materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works. ....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА  
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МУСТАФАКУЛОВ МУҲАММАД АБДУВАЛИЕВИЧ**

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ ПАТОГЕНЕЗИДА ОКСИДЛАНИШ  
СТРЕССИ ВА УНИ ЎСИМЛИКЛАРДАН ОЛИНГАН  
АНТИОКСИДАНТ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА РАСОЛАШ**

**03.00.01 – Биокимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент –2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/B291 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.ibb-nuu.uz](http://www.ibb-nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саатов Тальят Саатович**  
биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Мирхамидова Парида**  
биология фанлари доктори, профессор

**Хайбуллина Зарина Руслановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 24 » март соат 14:<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти хузуридаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 24 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: [ibb-nuu@mail.ru](mailto:ibb-nuu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил « 9 » март куни тарқатилди (2021 йил « 9 » мартдаги № 1 рақамли реестр баённомаси).



**Сабилов Равшан Заирович**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Позилов Маъмуржон Комилжонович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д.

**Кадирова Дилбар Абдуллаевна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сўнгги йилларда қандли диабет касаллигини кескин ортиб бориши тиббий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Халқаро диабет федерациясининг (International Diabetes Federation)<sup>1</sup> энг сўнгги статистик маълумотларига кўра, дунёда 2030 йилга бориб, ушбу касалликка чалинганлар сони 578 млн. га ва 2045 йилга бориб, эса 700 млн. кишига етиши кутилмоқда. Қандли диабет касаллигини даволашда ва самарали гипогликемик препаратларни яратишда маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган биофаол бирикмалар истиқболли манбалар ҳисобланади. Шу муносабат билан антидиабетик препаратларнинг янги авлодини яратиш ва қандли диабетнинг олдини олиш ва даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш замонавий фармакология ва биокимёнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Дунёнинг йирик илмий марказларида *Euphorbiacea* оиласига мансуб ўсимликлардан қандли диабетни даволаш учун янги препаратларнинг биологик ва фармакологик ҳусусиятлари устида жадал илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда *Euphorbia* ва *Saphora japonica* ўсимликлардан кўп сонли иккиламчи метаболитлар-терпеноид, стероид, флавоноид, таннинлар ажратиб олинган. Ушбу полифенолларнинг гипогликемик таъсирини аниқлаш, қандли диабет асоратларини даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва олдини олиш учун янги фармакологик воситаларни яратишни тақозо этади.

Мамлакатимизда бугунги кунда қандли диабетнинг келиб чиқиши ва механизмларини тадқиқ этиш бўйича фундаментал ва амалий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш»<sup>2</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни амалга оширишда маҳаллий ўсимликлардан олинган биологик фаол бирикмаларининг липидлар пероксидланиши ва антиоксидант химоя тизимига фармакологик таъсир механизмларини аниқлаш ва улар асосида қандли диабетнинг олдини олиш ва уни даволаш учун янги дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббий-фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий

<sup>1</sup><https://www.diabetesatlas.org/en/sections/worldwide-toll-of-diabetes.html>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» фармони

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи илмий марказларида ўсимликлардан ажратиб олинган янги полифенол бирикмаларнинг экспериментал қандли диабет моделидаги ҳайвонларнинг тўқима ва қонига таъсир механизмларини аниқлаш жадаллик билан амалга оширилмоқда. Қандли диабетда моддалар алмашинувининг бузилиши нихоятда хилма-хил кўринишда бўлиб, углеводлар, ёғлар ва оксиллар алмашинувининг бузилиши билан боғлиқлиги исботланган (Sun et al., 2017). Турли хил ўсимликлардан гипогликемик таъсирга эга бўлган кўп миқдордаги антиоксидантлар ажратиб олинган ва тавсифланган. Япон олимлари Yoshida T., Okuda T., Takhashi N. ва бошқалар томонидан *Euphorbiaceae* оиласига кирувчи ўсимликларнинг полифеноллари тадқиқ этилган. Saeid Golbidi, S. Alireza Ebadi, Ismail Laherлар томонидан антиоксидант препаратлар билан даволаш ҳамда уларнинг метоболик таъсири аниқланган.

МДХ давлатларида қандли диабетда липидлар пероксидланиши (ЛПО) ва антиоксидант ҳимоя тизими (АОХТ) ўзгариши механизмларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Спасов А.А. ва ҳамкасблари оксидланиш стрессидан полифеноллар таъсирини аниқлашга ҳисса қўшган (Спасов ва бошқ., 2018). Микаелян Н.П. ва ҳамкасблари ошқозон ости беши β-хужайраларининг узоқ вақт гипоксия ҳолатида Лангерганс оролчалари хужайраларининг секретор фаоллигининг пасайишига, натижада унинг нобуд бўлишига олиб келишини исботлаган (Микаелян ва бошқ., 2015). Дедов И.И. ва унинг гуруҳи гипергликемия жигарда ортиқча глюкозанинг пайдо бўлишига боғлиқ, глюкоза ҳосил бўлишидаги ўзгаришлар, яъни, глюкозанинг тўлиқ парчаланмаслиги ва кучсиз секретор жавобнинг мавжудлиги эса β-хужайраларнинг дисфункциясига олиб келишини аниқлаган (Дедов ва бошқ., 2019).

Мамлакатимизда Биоорганик кимё институти олимлари томонидан Ўзбекистонда ўсувчи *Euphorbiaceae* оиласига кирувчи айрим ўсимликлар полифеноллари кимёвий таркиби ва биологик фаолликлари аниқланган. Профессор Асраров М.И. ва бошқ. томонидан *in vivo* шароитида полифенол бирикмалар диабет моделида каламуш жигари митохондрияси дисфункциясига коррекцияловчи таъсир кўрсатиши аниқланган. Академик Саатов Т.С., Ишанходжаев Т.М. ва бошқ., томонидан липосомал кверцетин мақсадли транспорт тизимини ривожлантириш ва нормал шароитда ҳамда қандли диабетнинг турли патологияларида тўқималарнинг фосфолипид таркибини тадқиқ қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация иши бажарилган илмий-тадқиқот институтининг иш режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация

тадқиқоти Биофизика ва биокимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А10-Т053 «Қандли диабетда оксидатив стресс ҳолатини маҳаллий хомашёдан олинган табиий бирикмалар билан коррекциялаш услубини ишлаб чиқиш» (2015-2017), ПЗ-20170926405 «Қандли диабет эрта ташхисининг скрининг дастурини генетик боғлиқлик асосида ишлаб чиқиш» (2018-2020) ва ФА-Ф-6-005 «Бош мия нейродегенератив ўзгаришларининг ривожланиш механизмлари ва уларнинг коррекцияси» (2017-2020) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қандли диабетда оксидланиш стресс жараёни ва уни ўсимликлардан олинган антиоксидантлар ёрдамида расолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фаоллиги юқори бўлган полифенолларнинг антиоксидантлик хусусиятини аниқлаш;

қандли диабет тажриба моделини чақириш, оксидланиш стресс ҳолатида эуфорбин-1, эуфорбин-2 ҳамда госситан полифенолларининг антидиабетик таъсирини аниқлаш;

эуфорбин-1, эуфорбин-2 ва госситан полифенолларининг диабет моделидаги ҳайвонларнинг жигар, скелет мускул, юрак, буйрак тўқималари ва қонидаги биокимёвий кўрсаткичларга таъсир хусусиятларини тадқиқ қилиш;

*in vitro* тажрибаларда диабет моделидаги ҳайвонларнинг ошқозон ости бези Лангерганс оролчалари β-хужайраларига эуфорбин-1, эуфорбин-2 ва госситан полифенолларининг таъсирини аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида аллоксан диабет модели ҳайвонлари, антиоксидант ва гипогликемик фаолликка эга антидиабетик препаратлар, қон, жигар, мускул, ошқозон ости бези ва буйрак олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** эуфорбин-1, эуфорбин-2, госситан ва кверцетин полифенолларининг антиоксидантлик хоссаси, диабет моделида гипергликемияга таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда центрифугалаш, фотометрия, спектрофотометрия, фотоколориметрия, хромотография услублари ҳамда статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган. Олинган тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Origin 8.6 (OriginLab Corporation, USA) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эуфорбин-1, эуфорбин-2 ва госситан полифенолларининг антиоксидантлик хусусиятлари ҳамда гипергликемия ҳолатида глюкоза миқдорини пасайтириш хоссаси исботланган;

эуфорбин-1, эуфорбин-2 ва госситан препаратларнинг диабет моделидаги ҳайвонлар ошқозон ости бези β-хужайраларидаги ЛПО ҳамда АОХТ орасидаги мувозанатни тиклаши аниқланган;

экспериментал диабетда липидлар алмашинуви кўрсаткичлари ва полифенолларнинг бу жараёнларга коррекцияловчи таъсири исботланган;

диабет шароитида нейродегенератив касалликларнинг келиб чиқишида кверцетин препарати когнитив функцияларни камайтириши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эуфорбин-1, эуфорбин-2 ва госситан полифеноллари антиоксидантлик ва гипогликемик фаоллиги асосида олинган натижалар уларнинг кимёвий структурасига боғлиқ эканлиги исботланган;

қандли диабетни даволаш учун эуфорбин-1, эуфорбин-2 ва госситан полифеноллар асосида гипогликемик дори воситалар ишлаб чиқиш учун тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларда олинган натижалар замонавий биокимёвий усуллар ва қурилмалар ҳамда уларни қайта ишлаш, уларнинг ишончлилигини таҳлил қилишни таъминловчи компьютер дастурлари ёрдамида олинганлиги билан тасдиқланади. Шу билан бирга, олинган натижаларнинг ишончлилиги улар республика ва халқаро илмий анжуманлардаги муҳокамаси, натижаларнинг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади. Ишда хулосалар замонавий математик статистика услубларидан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экспериментал диабетда организмнинг зарарланиши ва унинг натижасида юзага келадиган ҳужайра дисфункциясини биологик фаолликга эга бўлган ўсимлик бирикмалари билан коррекциялаш механизмларига ойдинлик киритиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, полифеноллардан тўқималар ва қонда липидлар миқдорини меъёрлаштиришда ҳамда ЛПО ва глюкоза миқдорини пасайтиришда фойдаланиш имконини беради, бу эса янги дори воситаларини яратишда гипогликемик бирикмаларнинг ЛПО ва АОХТ ўртасидаги мувозанатни сақлаши муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қандли диабетнинг патогенезида оксидланиш стресси ва уни ўсимликлардан олинган антиоксидант воситалари ёрдамида расолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

полифенолларнинг антиоксидантлик ва антидиабетик хусусиятлари ПЗ-2017092050 рақамли «Диабетга қарши самарали дори воситаси яратиш» мавзусидаги лойихада айрим полифеноллар ва улар ҳосилаларининг биологик таъсирини ойдинлаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 30 июлдаги 4/1255-1352-сон маълумотномаси). Натижада *Euphorbiaceae* оиласига кирувчи айрим ўсимликлар полифеноллари ва таннинларини антиоксидант фаоллиги аниқлашда ҳамда жигар ва мускул тўқималарида глюкозани гексокиназа/глюкокиназа ферментлари утилизация қилиши имконни берган;

полифенол бирикмаларнинг жигар тўқимаси ҳужайраларига таъсир механизмлари ФА-Ф5-Т084 рақамли «Митохондриялар ион транспорти ва метаболик жараёнлар биорегуляторларининг меъёр ва патологиядаги



таъсирини тавсифлаш» мавзусидаги лойиҳа доирасида полифеноллар каламуш жигари митохондриясининг дисфункциясига коррекцияловчи таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 30 июлдаги 4/1255-1363-сон маълумотномаси). Натижада госситан полифеноли диабет моделида mPTP юқори ўтказувчанлигини ингибирлаши ва ион транспорт тизимлари бузилишларини коррекция қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 13 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 7 таси республика журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланди. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланди. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилди. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинди. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилди. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилди.

Диссертациянинг **«Қандли диабет патогенези, оксидланиш стресс ва антиоксидантлар тавсифи»** деб номланган биринчи бобида қандли диабет касаллигининг ривожланиши, моддалар алмашинуви ҳамда антиоксидантларнинг таъсири батафсил ёритилган бўлиб, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ўтказилди. Турли хил патологияларда оксидланиш стресс ҳолати ва унга ўсимликлардан олинган антиоксидантларнинг таъсири, полифенолларнинг хужайрадаги метаболизмга, липидлар ва энергия алмашинуви, хужайранинг шикастланишига ҳамда полифенолларнинг ЛПО, АОХТга бўлган таъсирлари ҳақида чет эл ва республикамиздаги илмий адабиётлардан олинган маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Биологик фаол моддаларнинг антиоксидантлик ва антидиабетик таъсирларини аниқлаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида мақсад ва вазифаларига мувофиқ материаллар ва тадқиқот усуллари тақдим этилган. Мазкур ишда эфорбин-1, эуфорбин-2, госситан ва кверцетин

полифенолларининг антиоксидантлик хоссалари тадқиқ қилинди. Тажрибалар «Экспериментал ва бошқа мақсадлар учун умуртқали ҳайвонлар ҳимояси бўйича Европа конвенцияси» (Страсбург, 1985)га мувофиқ 430 та етилган оқ рангли эркак каламушларда амалга оширилди. Сурункали аллоксан диабет чақириш учун 8 мг/100 гр аллоксанмоногидрат юборилиб, 8 кун давомида ҳайвоннинг қорин бўшлиғига 0,5 млдан жўнатилди аллоксан диабет (АД) модели чақирилди. Модел чақирилгандан сўнг ҳайвонларга ўсимликлардан олинган полифенол препаратлар *in vivo* шароитларида 8 кун давомида ичирилди.

Ҳайвонлар алоҳида тўқималаридаги липидлар юпка қатламли хроматография услуби билан аниқланди. Қондаги липопротеидлар, гексокиназа/глюкокиназа, тўқималардаги ЛПО ва АОХТ ферментларининг фаоллиги спектрофотометр услуби билан аниқланди.

Диссертациянинг «**Кверцетин, госситан, эуфорбин-1 ва эуфорбин-2, полифенолларининг антиоксидантлик ва антидиабетик таъсири**» деб номланган учинчи бобида қандли диабетнинг экспериментал моделида оксидланиш стресси кўрсаткичлари тадқиқотнинг натижалари тақдим этилган.

Экспериментал диабет моделидаги каламушлар қони ва турли тўқималаридаги МДА миқдори тадқиқ қилинди. Олинган натижалар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Экспериментал диабет шароитида қон ва тўқималар гомогенатида МДА миқдори

№	Гуруҳлар	n	Қон	Жигар	Юрак	Буйрак	Мускул
			мкмол/л	мкмол/г оқсил			
1	Интакт	8	2,23±0,09	1,83±0,04	1,25±0,10	1,19±0,07	0,86±0,12
2	Назорат	7	2,27±0,08	1,86±0,07	1,30±0,10	1,25±0,09	0,85±0,07
3	АД	9	3,84±0,11*	2,33±0,12	2,04±0,08*	2,45±0,06	1,63±0,11
4	АД+Госситан	10	3,17±0,08	2,10±0,07	1,70±0,06	2,2±0,10	1,10±0,08*
5	АД+Кверцетин	11	3,09±0,09	2,07±0,14	1,59±0,09	1,89±0,12	1,12±0,09
6	АД+Эуфорбин-1	12	3,32±0,09	2,24±0,11	1,77±0,09*	2,22±0,14	1,18±0,15
7	АД+Эуфорбин-2	12	3,25±0,06	2,15±0,08	1,73±0,07	2,19±0,11	1,14±0,12

Изоҳ: – статистик таҳлил назорат ва АД+препарат гуруҳлари ўртасида фарқ ўзгарувчанлиги \* $p < 0.05$ .

Натижалардан кўришиб турибдики, диабетнинг экспериментал моделида қонда МДАнинг энг юқори кўрсаткичи 3,84±0,11 мкмол/лни, назорат гуруҳида эса 2,23±0,09 мкмол/лни ташкил қилди. Қандли диабетда МДА миқдорининг юқорилиги қонда глюкоза миқдорининг ортиши билан кузатилди. Қандли диабетда каламушлар жигарида МДА миқдори 2,33±0,12

мкмол/гдан, назорат гуруҳида эса  $1,86 \pm 0,07$  мкмол/г дан иборатлиги аниқланди.

Тадқиқотлар натижасида қандли диабетда оксидланиш стресси интенсивлашувини диабетда оксидланиш стресси ўрни ва фаоллашуви қонда МДА миқдорини аниқлаш қандли диабетда оксидланиш стрессининг аҳамиятини тасдиқлайди.

Гипергликемия келтириб чиқарган оксидланиш стресс  $\beta$ -хужайраларни зарарловчи механизмларни ишга солади ва бунинг оқибатида қандли диабетнинг жадал суратларда ривожланиши юзага келади. Бу ҳолат диабет модели ривожланганлигини кўрсатди.

Таҷрибаларимизда қандли диабет фонида глюконеогенезнинг фаоллашиши, жигарда гликоген парчаланиши натижасида глюкоза миқдори ортиши ҳамда оксил миқдорининг пасайиши кузатилди.

Организм меъерий шароитда ҳаёт кечириши учун глюкоза асосий энергетик субстрат ҳисобланади. Қонда глюкозанинг доимий миқдорини сақлаб туриш икки хил жараённинг кечиши: гликогенез ва глюконеогенез йўли билан глюкоза ҳосил бўлиш тезлиги ҳамда организм тўқималари ва хужайраларида гликогеннинг парчаланиш жараёни, яъни, гликолиз орқали таъминланади (2-жадвал).

2-жадвал

Экспериментал диабет модели каламушларда глюкоза миқдорининг ўзгариши (ммол/л)

№	Гуруҳлар	n	Кунлар			
			1	45	60	75
1	Интакт	28	4,5±0,45	4,8±0,54	4,8±0,23	4,8±0,52
2	Назорат	24	4,9±0,52	4,9±0,69	4,8±0,48	4,8±0,64
3	АД	78	4,7±0,82	12,9±0,87	13,5±0,57*	13,3±0,74
4	АД+Госситан	58	5,0±0,51	12,3±0,95	10,9±0,82	8,0±0,97
5	АД+Кверцетин	47	4,7±0,68	12,7±0,95	10,7±0,45*	7,5±0,88
6	АД+Эуфорбин-1	54	4,5±0,41	11,9±0,78	11,6±0,60	9,2±0,79
7	АД+Эуфорбин-2	57	4,8±0,39	12,1±0,57*	11,0±0,31*	8,1±0,85
8	АД+Гликлазид	43	4,7±0,47	12,4±0,72	9,1±0,38	6,8±1,05


Модел чақирилишдан олдин (1 кун), модел чақирилгандан сўнг (45 кун), препаратлар берилгандан сўнг (60 ва 75 кунлари). *Изоҳ:* – статистик таҳлил назорат ва АД+препарат гуруҳлари ўртасида фарқ ўзгарувчанлиги  $*p < 0.05$ .

Қонда глюкоза миқдорининг ишончли тарзда ўзгаришини аниқладик, бу эса касаликка ташҳис қўйишни тасдиқловчи углеводлар алмашинувининг ўрнини босувчи адекват босқич ҳисобланади, жумладан, 2 тур ҚДда углеводлар алмашинувининг бузилиши гипергликемия, гликозурия ва гиперлактатацидемия кўринишида юзага келади.

Глюкоген ва глюкоза ҳужайралар ҳамда тўқималар ҳаётий фаолиятининг амалга оширилиши учун муҳим бўлган энергиянинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Уларнинг аэроб ва анаэроб алмашинувида ҳужайраларнинг энергетик ҳамда пластик эҳтиёжини таъминловчи макроэргик бирикмалар ҳосил бўлади.

Дастлаб, ҳайвонларда сурункали аллоксан юборилгандан сўнг, глюкоза миқдори кескин кўтарилади, ҳайвонларда кескин ўзгаришлар кузатилади ҳайвонларнинг тана вазни камайиши, полиурия, гиподинамика ва когнитив ўзгаришлар кузатилади.

Сўнгги пайтларда адабиётларда оксидланиш стресси қандли диабет патогенезида ҳамда унинг асоратларида етакчи ўрин эгаллаши таъкидланмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда 2 тур қандли диабетни даволашда антиоксидантларни қўллаш тавсия этилмоқда.



**1-расм. Экспериментал диабет қонида гликирланган гемоглобин ва гемоглобин миқдори.** *Изоҳ:* – статистик таҳлил назорат ва АД+препарат гуруҳлари ўртасида фарқ ўзгарувчанлиги \* $p < 0.05$ ; \*\* $p < 0.01$ .


Гликозириланган гемоглобин (гликирланган гемоглобин A1c, %HbA<sub>1c</sub>) қонда узоқ вақт давомида (3 ойгача) глюкоза даражасини аниқлайди. Гликирланган гемоглобиннинг бу тури қон зардобидаги гемоглобин ва глюкоза орасида кечадиган узоқ муддатли жараён натижасида ҳосил бўлади (бу жараён ўз-ўзидан, яъни, ферментлар иштирокисиз юзага келади).

Гемоглобиннинг гликозириланиши ва унинг миқдори эритроцитнинг бутун ҳаёти давомидаги глюкозанинг ўртача миқдorigа боғлиқ.

Уч хил турдаги гликозириланган гемоглобинлар HbA<sub>1a</sub>, HbA<sub>1b</sub>, HbA<sub>1c</sub> лардан фақат охирги HbA<sub>1c</sub> гина қандли диабетнинг миқдорий жиҳатини белгилайди ва унинг пайдо бўлиш даражаси ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Гликирланган гемоглобиннинг гликозириланиши ва унинг миқдори эритроцитларнинг бутун ҳаёти давомидаги глюкозанинг ўртача миқдорига боғлиқ (1-расм). Аллоксан диабет моделидаги ҳайвонларга антиоксидант препаратлар берилганда экспериментал диабетдаги ҳайвонлар қонида гликозирилланган гемоглобиннинг миқдори интакт гуруҳга нисбатан 1,6 марта ошганлиги кузатилди.

Гексокиназа углеводлар метаболизмининг муҳим ферменти ҳисобланади. У гликолизнинг биринчи босқичида глюкозани фосфориллаб глюкоза-6-фосфатга айлантиради ва бу ҳолат глюкоза оксидланишининг зарурий шароити ҳисобланади. Бундан ташқари, гексокиназа ферменти бошқа гексозалар: фруктоза ва галактозаларни фосфориллайди. Тадқиқот давомида экспериментал диабетдаги каламушлар қон, жигар ва скелет мускулларида гексокиназа/глюкокиназа фаоллиги ўрганилди (2-расм).




2-расм. Диабет моделида эритроцит ва мускул тўқималарида гексокиназа ферменти фаоллиги. *Изоҳ:* – статистик таҳлил назорат ва АД+препарат гуруҳлари ўртасида фарқ ўзгарувчанлиги \* $p < 0.05$ ; \*\* $p < 0.01$ .

Гексокиназа ферментининг фаоллиги эритроцитлар ва скелет мускулларида назорат гуруҳларига нисбатан АД гуруҳларида пасайганлиги, АД+препарат гуруҳларида кўтарилганлиги натижаларда ўз аксини топди.

Диабет моделидаги ҳайвонларга полифеноллар юборилганда гексокиназа ферменти фаоллигининг ошганлиги кузатилди.

НАДФ<sup>+</sup> камайиши ва унинг ҳужайранинг антиоксидант тизими ишида қўлланиши қизил қон таначаларининг таркибий ва функционал яхлитлигини таъминлаш учун зарур шартдир. Ушбу позициялардан ўрганилаётган ҳайвонларнинг гуруҳларида АОХТ ферментларининг ҳолатини таҳлил қилиш муҳим.



3-расм. Диабет моделида жигар тўқималарида глюкокиназа ферментининг фаоллиги. *Изоҳ:* – статистик таҳлил назорат ва АД+препарат гуруҳлари ўртасида фарқ ўзгарувчанлиги \* $p < 0.05$ ; \*\* $p < 0.01$ .

АД+Госситан, АД+Эуфорбин-1, АД+Кверцетин, АД+Эуфорбин-2, АД+Гликлазид гуруҳларига препаратлар берилгандан сўнг глюкокиназа ферментининг фаоллиги 1,14 мМ/мин мг оқсилгача кўтарилганлиги бу ферментнинг фаоллиги қисман тикланганлигини ҳамда ўсимликлардан олинган препаратларнинг жигар тўқималарида глюкоза тўпланиб қолишини олдини олишини кўрсатди.

Тадқиқотларнинг кейинги қисмида назорат, интакт ва экспериментал диабет моделидаги каламушлар қони ва мускулидаги гексокиназа ферментининг фаоллигига ўсимликлардан олинган полифенолларнинг таъсири ўрганилди. Олинган натижаларга кўра назорат гуруҳи каламушларининг қонида гексокиназа фермент фаоллиги камайганлиги тадқиқот давомида кузатилди.




Глюкокиназа ферментининг фаоллигини 5/10/15 дақиқа давомида жигар тўқимасида текширилди. Олинган натижалар 3-расмда келтирилган: назорат гуруҳидаги каламушлар жигарида глюкокиназа фаоллиги дастлабки 5 дақиқада 1,13 мМ/мин мг оқсилни, 10 дақиқада 1,17 мМ/мин мг оқсилни, 15 дақиқада 1,26 мМ/мин мг оқсилни ташкил этди, интакт гуруҳ каламушларда эса назорат гуруҳларга нисбатан кескин оғиш кузатилмади. АД+препарат гуруҳларида глюкокиназа ферменти фаоллиги ортиши кузатилди.

Диссертациянинг «**Экспериментал диабет модели ошқозон ости беши Лангерганс оролчаларига антиоксидант препаратлар таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида ўсимликлардан олинган препаратларнинг тажрибадаги ҳайвонлар ошқозон ости бешидан ажратилган β-хужайраларга таъсирини ўрганишдан олинган натижалар келтирилган. Панкреотоксин (яъни аллоксан)ни қоринга ёки венага турли дозаларда юборилганда ошқозон ости беши β-хужайраларининг эрта ўлими ва қандли диабетнинг маълум бир типига хос бўлган углеводлар алмашинувининг бузилиш жараёнлари ривожланади.

Олинган тўқима намуналарига ўсимликлардан олинган антиоксидант препаратлар кўшилиб *in vitro* шароитида АОҲТ ва ЛПО текширилди. Ошқозон ости беши оғирлиги ҳамда умумий оқсил миқдорини аниқлаш жараёни диабет моделидаги ва назорат гуруҳидаги ҳайвонлар орасида муҳим бир фарқни кўрсата олмади.

Гипергликемия билан индуцирланган оксидланиш стресси β-хужайраларда шикастланиш механизмини яратади ва бу жараён натижада авж олиб боровчи қандли диабетни кучайтиради.

Мазкур жараёнга асосланган ҳолда ушбу тажрибада *in vitro* шароитида β-хужайралар ажратиб олинди ва ўсимликлардан олинган препаратларнинг ЛПО ҳамда АОҲТга фаоллиги аниқланди. Бунда МДА миқдори ва каталаза, глутатионпероксидаза ферментлари фаоллиги текширилди. Натижада АОҲТ ферментлари фаоллиги пасайиши фонида МДАнинг миқдори ортиши кузатилди; интакт гуруҳли ҳайвонлар билан АД+препарат гуруҳлари ўртасидаги фарқ аниқланди.



4-расм. Диабет шаронтида ошқозон ости безида А). МДА миқдори, Б). Глютатионпероксидаза ва С). Каталаза ферментларининг фаоллиги. *Изоҳ:* – статистик таҳлил назорат ва АД+препарат гуруҳлари ўртасида фарқ ўзгарувчанлиги \* $p < 0.05$ ; \*\*  $p < 0.01$ .



Диабет моделидаги ҳайвонлар  $\beta$ -хужайраларида каталаза ферменти фаоллиги 1,8 марта, ГП фаоллиги мос равишда 1,5 марта камайиши фониди МДА 2,1 марта ортиши кўрсатилди (4-расм.). Диабет моделидаги ва АД+препарат гуруҳидаги ҳайвонлар орасида ўрганилаётган кўрсаткичлар бўйича фарқлар аниқланди.

Диссертациянинг «Сурункали диабетда марказий нерв тизимига ўсимликлардан олинган полифенолларнинг таъсири» деб номланган бешинчи бобида сурункали диабет моделидаги ҳайвонларининг ҳулқ-атвори ва уларнинг бош миясидаги биокимёвий кўрсаткичлари натижалари келтирилган.

Нейродегенератив ҳолатлар меҳнат қобилиятининг пасайишида ҳамда ўлимнинг кўпайиши муҳим ўрин эгаллайди. Диабетда марказий нерв системасида ўзгаришларни аниқлашга қаратилган кўплаб ишлар бизга ушбу касалликларнинг юзага келишини келтириб чиқарадиган омиллар тўғрисида маълумот топишимизга имкон беради, аммо бу жараён механизмларини тушуниш ҳали тўлиқлигича ўрганилмаган.

### 3-жадвал

#### Липосомали кверцетин ва кверцетин киритилгандан сўнг гиппокампа липидларнинг таркиби

Липидлар номлари мкг Р/г тўкима	НГ (n=5)	АД (n=7)	АД+ЛКЦ (n=7)	АД+КЦ (n=7)
ЛФХ	10,3±0,8	14,1±1,2*	11,8±0,7	12,8±0,7
СФ	225,2±7,5	208,1±6,1	215,2±6,3	210,2±5,3
ФХ	559,8±10,6	532,0±9,5	550,8±11,5	540,8±11,5
ФС	86,5±5,5	70,4±5,1	77,5±4,5	72,5±5,3
ФИ	88,7±6,8	95,5±7,5	90,5±6,8	91,7±7,3
ФЭА	491,4±21,4	488,3±19,1	493,4±21,4	493,4±21,4
ДФГ	59,6±2,8	63,1±2,1	61,1±2,8	62,5±2,8
ФК	14,9±0,8	18,2±1,2*	15,2±0,8	16,4±1,1
УФЛ	1536,4±30,3	1489,7±25,3	1515,5±28,3	1500,3±28,3
Цереброзид	7,8±0,4	8,6±0,5	7,6±0,4	8,0±0,6
Сульфатид	2,7±0,2	2,5±0,3	2,8±0,2	2,6±0,4
УХС	19,7±0,81	22,1±0,85	20,3±0,75	21,3±0,75

ЛФХ-лизофосфатидилхолин; ФХ-фосфатидилхолин; СФ-сфингомиелин; ФС-фосфатидилсерин; ФИ-фосфатидилинозит; ФЭА-фосфатидилэтанолламин; ФК-фосфатид кислота; УФЛ- умумий фосфолипидлар; УХС-умумий холестерин.

Изоҳ: \* – статистик таҳлил НГ ва ТГ ўртасида фарқ ўзгарувчанлиги  $*p < 0.05$ .

Бош миёда  $\beta$ -амилоид оксидининг агрегацияси, гиперфосфорланган тау оксидининг, эркин радикаллар жараёнларининг фаоллашиши, сфингомиелин айланишининг ўзгариши, микроглия ва яллиғланиш жараёнларининг фаоллашиши нейродегенератив ривожланишининг асосий жиҳатлари ҳисобланади.

Кейинги тажрибаларда липид таркиби, липидларнинг перекисли оксидланиш ва АОХТ ферментлари фаоллиги ўрганилди ҳамда олинган натижалар қуйидаги жадвалларда кўрсатилган.

3-жадвалда аллоксан диабет моделида миё тўқимасида ЛФХ ва ФК миқдорларида сезиларли ўсишнинг кузатилиши, қолган фракциялар ҳамда фосфолипидларнинг умумий миқдорлари эса биров ўзгариши кўрсатилган.

Миё тўқималарининг липидлар спектридаги бундай ўзгаришлар мембраналарнинг рецепторлик ва синаптик қисмларига ҳамда асаб ҳужайралари томонидан сигнал узатилишига таъсир қилиши мумкин, буни аллоксанли диабет моделидаги ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларидаги кузатилган ўзгаришлар орқали тушунтириш мумкин.

4-жадвал

**АД моделидаги ҳайвонлар миёсининг гиппокамп қисмида АОХТ ферментларининг фаоллиги ва МДА миқдори**

№	Текширилган гуруҳлар	МДА нмоль/мг оксил	Каталаза (У/мг оксил)	СОД (У/ мг оксил)	ГП нмоль/ мин мг оксил
1	НГ (n=5)	2,42±0,15	54,12±3,15	55,42±4,16	35,2±2,42
2	АД(n=7)	4,35±0,52*	35,23±3,51*	41,73±3,64*	31,4±2,53
3	АД+ЛКЦ (n=7)	3,15±0,31*	46,54±3,31*	49,23±2,80	33,2±2,31
4	АД+КЦ (n=7)	3,65±0,33	41,32±3,52	45,63±3,10	32,4±2,25

Изоҳ: \* - кузатилган фарқлар гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятга эга, аҳамият даражаси  $p < 0.05$ .

Кверцетин ва унинг метаболитларини антиоксидантлар эканлигини инобатга олган ҳолда биз липосомал шаклидаги кверцетиннинг бош миё гиппокамп тўқимасида ЛПО ва АОХТга таъсирини ўргандик (4-жадвал).

Диабет моделининг кечишида МДА 79%га ортиши, каталаза ферменти фаоллиги 35%га, СОД фаоллиги 24,7%га, ГП фаолликлари эса мос равишда 10,8%га камайганлиги кўрсатилди.

Липосомали ва липосомасиз(эркин) кверцетин миё тўқимасида МДА даражасини ҳайвонларнинг аллоксан диабетга нисбатан мос равишда 27,6% ва 16%га камайтириши ҳамда мос ҳолда 3,15 ва 3,65 нмол/мг оксилдан иборат эканлиги аниқланди.

Диабет шароитида липосомал шаклидаги кверцетиннинг бош миё гиппокампидаги ЛПО ва АОХТ фаоллиги аниқланди, хусусан каталаза ва СОД билан солиштирилганда у назорат гуруҳга нисбатан мос равишда 32%

ҳамда 19%га ошганлиги кўрсатилди. Диабет моделидаги ҳайвонларга кверцетин интерназал жўнатилгандан кейин ГП ферменти фаоллиги ўзгармади, липосомал бўлмаган (эркин) кверцетин эса кам биокимёвий таъсирга эга эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Экспериментал диабетда олинган натижалар муҳокамаси**» алоҳида бўлимлар бўйича тадқиқотлар натижаларининг муҳокамаси ва якуний қисмлари келтирилган. Олиб борилган тажрибаларимиз давомида тўқималарда биокимёвий кўрсаткичларга кверцетин, госситан, эуфорбин-1 ва эуфорбин-2 препаратларининг каламушларда аллоксанли диабетнинг кечишига таъсири тадқиқ қилинди.

Экспериментал диабет ҳайвонларга препаратлар юборилганда қонда глюкоза миқдорининг камайиши, айниқса, госситан ва кверцетин полифеноллари иштирокидаги тажрибаларда қонда ва жигарда гликоген миқдорининг камайиши кузатилди. Мускулларда эса гликоген миқдори деярли ўзгармади. Текширилаётган антиоксидант препаратлар тажрибадаги интакт ва аллоксан диабет моделидаги ҳайвонларнинг қон ва тўқималарига маълум даражада анаболик таъсир кўрсатди. Бунда мазкур таъсир кўрсаткичлари ошқозон ости беши тўқималарида аниқ намоён бўлди, бу ҳолат эса текширилаётган моддалар таъсирида ошқозон ости беши тўқималарида модда алмашинуви жараёнларининг жадаллашуви ҳамда меъёрга келишидан далолат беради.

Тажрибаларимиз асосида гипергликемия, оксидланиш стресси билан кечадиган касаллик ҳолатларида полифенолларнинг ишлатилиши истиқболли натижаларни берди. Кверцетин, госситан, эуфорбин-1 ва эуфорбин-2нинг гипогликемик таъсири организмнинг ўзига хос бўлмаган чидамлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳамда бу антиоксидантларнинг қўлланилиши самарали таъсир кўрсатганлигидан далолат бермоқда.

## ХУЛОСАЛАР

1. Диабет шароитида липидларнинг пероксидланиши ва антиоксидант ҳимоя тизими ўртасидаги мувозанатнинг издан чиққанлиги, эуфорбин-1, эуфорбин-2 ҳамда госситан полифеноллари бу жараёнларни расолашини кўрсатди. Диабетда липидлар пероксидланишининг кучайиши гипергликемия билан боғлиқлигини ҳамда мазкур ҳолат оксидланиш стрессининг кучайганлигини исботлади.

2. Экспериментал диабет модели каламушлар тўқималарда умумий липидлар миқдорининг ортиши билан бир қаторда фосфолипидлар миқдорининг пасайиши аниқланди. Эуфорбин-2 ва госситан препаратлари таъсирида жигар, скелет мушаклари ва қонда триглицерид ҳамда холестерин миқдорларининг ортиши исботланди.

3. Диабет модели ҳайвонларга полифеноллар берилганда улар қонида глюкоза ва  $HbA_{1c}$  миқдорларининг камайиши ва гексокиназа/глюкокиназа ферментлари фаоллигининг ортишини кўрсатди. Эуфорбин-1 ва эуфорбин-2 препаратлари липидлар алмашинуви кўрсаткичларига меъёрлаштирувчи

таъсир кўрсатди, бунда эуфорбин-2, эуфорбин-1га нисбатан кучлироқ таъсирга эгаллиги тасдиқланди.

4. Полифеноллар диабет модели ҳайвонлар ошқозон ости беши Лангерганс оролчаларига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда липидларнинг пероксидланиши ва антиоксидант ҳимоя тизими ўртасидаги мувозанат тикланганлиги қайд этилди.

5. Липосомаларга инкапсуляция қилинган кверцетин препарати билан сурункали диабет модели ҳайвонларга интерназал усулда юборилганда бош миянинг гиппокамп қисмида лизофосфатидилхолин ва фосфатид кислота миқдорлари сезиларли даражада ортганлиги аниқланди.

6. Эуфорбин-1, эуфорбин-2 ҳамда госситан полифеноллари диабетни даволаш учун антидиабетик препаратлар ишлаб чиқаришга имкон яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И  
БИОХИМИИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  
**ИНСТИТУТ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ**

**МУСТАФАКУЛОВ МУҲАММАД АБДУВАЛИЕВИЧ**

**РОЛЬ ОКИСЛИТЕЛЬНОГО СТРЕССА В ПАТОГЕНЕЗЕ САХАРНОГО  
ДИАБЕТА И СПОСОБЫ ЕГО КОРРЕКЦИИ С ПОМОЩЬЮ  
АНТИОКСИДАНТОВ ИЗ РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ**

**03.00.01 - Биохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/B291

Диссертация выполнена в Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, анлийский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.iib-nuu.uz](http://www.iib-nuu.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Саатов Тальят Саатович**  
доктор биологических наук, академик

**Официальные оппоненты:**

**Мирхамидова Парида**  
доктор биологических наук., профессор  
**Хайбуллина Зарина Руслановна**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:**

**Ташкентская медицинская академия**

Защита диссертации состоится « 24 » марта 2021 года в 14:<sup>00</sup> часов, на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 при Институте Биофизики и биохимии, Национальном университете Узбекистана. Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студентский городок, улица Университетская, 174. Тел.: (99871) 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Биофизики и биохимии Национального университета Узбекистана (зарегистрировано под № 24). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студентский городок, ул. Университетская, 174. Тел.: (99871) 246-68-96; e-mail: [iib-nuu@mail.ru](mailto:iib-nuu@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан « 9 » март 2021 г.  
(реестр протокола рассылки № 1 от « 9 » марта 2021 г.)



**Сабилов Равшан Заирович**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

**Позилев Маъмуржон Комилжонович**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н.

**Кадырова Дилбар Абдуллаевна**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в последние годы резкий рост заболеваемости диабетом вызывает медицинские и социальные проблемы. Согласно последним статистическим данным Международной диабетической федерации (International Diabetes Federation)<sup>1</sup>, к 2030 году число людей с этим заболеванием в мире достигнет 578 млн. и к 2045 году ожидается достижение до 700 млн. Биоактивные соединения, выделенные из местных растений, являются много обещающими источниками для лечения диабета и разработки эффективных гипогликемических препаратов. В этом отношении создание нового поколения противодиабетических препаратов и разработка новых подходов к профилактике и лечению диабета является одной из актуальных проблем современной фармакологии и биохимии.

В крупных научных центрах мира ведутся интенсивные научные исследования биологических и фармакологических свойств новых препаратов для лечения диабета из растений, принадлежащих к семейству *Euphorbiaceae*. В настоящее время из растений *Euphorbia* и *Saphora japonica* выделено большое количество вторичных метаболитов - терпеноидов, стероидов, флавоноидов, таннинов и дубильных веществ. Определение гипогликемического эффекта этих полифенолов, разработки эффективных методов лечения профилактики и осложнений диабета требует разработки новых фармакологических средств.

В нашей стране сегодня проводятся фундаментальные и прикладные исследования по изучению происхождения и механизмов диабета. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи для «дальнейшего развития фармацевтической отрасли, улучшения снабжения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарствами и медикаментами, предотвращения роста цен на лекарства»<sup>2</sup>. При выполнении этих задач особое внимание уделяется выявлению механизмов фармакологического действия биологически активных соединений, полученных из местных растений, на процессы перекисного окисления липидов и системы антиоксидантной защиты и созданию новых препаратов для профилактики и лечения диабета.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 г № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и от 6 мая 2019 г № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

<sup>1</sup><https://www.diabetesatlas.org/en/sections/worldwide-toll-of-diabetes.html>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI: «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время ведущие мировые исследовательские центры интенсивно изучают механизмы действия новых полифенольных соединений, выделенных из растений, на ткани и кровь животных при экспериментальной модели сахарного диабета. Доказано, что нарушения обмена веществ при диабете чрезвычайно разнообразны и, связаны с нарушением углеводного, жирового и белкового обмена (Sun et al., 2017). Из различных растений были выделены и описаны многочисленные антиоксиданты с гипогликемическим действием. Полифенолы растений, принадлежащих к семейству *Euphorbiaceae*, были изучены японскими учеными Yoshida T., Okuda T., Takhashi N. и другие. Saeid Golbidi, S. Alireza Ebadi, Ismail Laher проводили лечения антиоксидантными препаратами и установили их метаболические эффекты.

